*Ёшлар Иттифоқида нима гап?*

# ПУЛ ҲИСОБНИ ЁҚТИРАДИ

***Агар эсласангиз, бундан роппа-роса олти йил муқаддам Ўзбекистон комсомолининг молиявий аҳволи тўғрисида ишлар бошқарувчиси Ҳакимжон Каримжонов билан газетамиз мухбирининг савол-жавоблари юқоридаги сарлавҳа остида чоп этилган эди. Буни қарангки, бугунги суҳбатга ҳам худди ўша сарлавҳа қўйилди. Лекин сизларни ишонтириб айтишимиз мумкинки, бу иккала суҳбат бир-биридан тубдан фарқ қилади. Агар таъбир жоиз бўлса, бу суҳбатлар ўртасидаги тафовутни уфққа ботаётган ва эндигина уфқдан бош кўтараётган қуёш нурларига ўхшатиш мумкин. Зеро, гарчанд ҳар иккала суҳбат ҳам ошкоралик руҳида ўтган бўлса-да, умумий руҳ, қўйилган масалаларга ёндошишда мутлақо ўхшашлик сезилмайди.***

***Фикримизнинг исботи сифатида биз қуйида Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг ишлар бошқарувчиси Ҳакимжон КАРИМЖОНОВ ва мухбиримиз ўртасида бўлиб ўтган мулоқотни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.***

*— Ҳозир ҳамма ўзича иқтисодчи, ўзининг чўнтаги қолиб, керак бўлса, бошқа одамнинг чўнтагидагини ҳам ҳисоблаб кетаверади. Демоқчиманки, Ёшлар Иттифоқи бозор шароитида қандай қилиб, нималар ҳисобига яшаётганини сўровчилар жуда кўп. Мана сиз чин маънода иқтисодчисиз, Ёшлар Иттифоқининг кирим-чиқимлари сизга беш қўлдек аён. Айтинг-чи, Ёшлар Иттифоқининг молиявий аҳволи қандай. У ўзини ўзи боқаяптими?*

— Ҳа, очиқ юз билан иккиланмай айтишим мумкинки, у ўзини ўзи боқаяпти. Гарчанд мамлакатимиздаги барча ташкилотлар қатори бизнинг ташкилотимиз ҳам ўтиш даврига хос баъзи қийинчиликларни бошдан кечираётган бўлса-да, шундай деб қатъий жавоб бериш учун асосларимиз бор. Буни Ёшлар Иттифоқи иқтисодий фаолиятининг 1994 йилги натижалари ҳам яққол исботлаб турибди. Ўтган йили жами даромадларимиз 8 миллион 159 минг сўмдан кўпроқни ташкил этди. Бу 1993 йилга нисбатан 7 баробар кўп демакдир. Демак, чиндан ҳам ўсиш бўлган.

Шу ўринда даромадларимизнинг асосий манбаи ҳамон аъзолик бадаллари тушумидан бўлаётганлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Аъзоларимиз эса, худога шукрки, кўп — уларнинг сони 2 миллион 300 мингдан ортади. Ўтган йили улардан олинган аъзолик бадалларининг умумий миқдори 4 миллион 470 мингга етди. Бу жами даромаднинг 59,5 фоизига тенгдир. Бундан ташқари ўтказилган тадбирлардан тушган тушумлар 939,4 минг сўмни, нашриёт-матбаа фаолиятидан келган тушумлар 235 минг сўмни ва бошқа тушумлар 2,5 миллион сўмни ташкил этдики, бу Ёшлар Иттифоқининг бозор иқтисоди шароитида ҳам имкониятлари кенг эканлигини, у ўзини ўзи боқа олишини исботлайди.

*— Ҳакимжон, ҳозир сиз умуман Ёшлар Иттифоқи бўйича қилинган даромадлар қисми билан таништирдингиз холос. Агар, сир бўлмаса, Ёшлар Иттифоқининг харажатлари тўғрисида ҳам бироз тўхталсангиз.*

— Бу ерда ҳеч қандай сир йўқ. Мен юқорида даромадларимизнинг умумий миқдори, уларнинг манбаларини айтиб ўтдим. Даромад бор жойда эса, сарф-харажат ҳам бўлади, албатта. Бюджетимизнинг харажат қисми ўтган ҳисобот йилида 7 миллион 27,2 минг сўмга бажарилди, оддий тил билан айтганда, йил давомида шунча пул сарфланди. Шундан иш ҳақи фонди 4 миллион 456,9 минг сўмни ташкил этди. Бу жами харажатнинг 63,4 фоизига тенгдир. Шу ерда, бу кўпми ёки камми, деган савол туғилиши табиий. Мен ҳозир баъзи рақамларни келтираман, қолганини ўзингиз чамалаб кўринг. Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасида ишловчилар сони бармоқ билан санарли даражада оз бўлса-да, қуйи бўғиндаги ташкилотларимизда бошқа ишдан озод этилган, яъни ойлик олиб ишлаётган ходимлар сони 2700 кишидан ортади. Уларнинг ўртача маоши ўтган йили 160 сўмдан 200 сўмгача бўлди. Бу камми ёки кўп? Бу қайси томондан ёндашишга боғлиқ. Ҳам кўп, ҳам кам. Лекин мен бир нарсани ишонч билан айтишим мумкинки, Ёшлар Иттифоқида фақат фидойилар ишлайди, улар пул қудратли куч эканлигини инкор этмаган ҳолда, ёшлар тарбияси ниҳоятда муҳим эканлигини, мамлакат келажагининг қандай бўлиши бугунги ёшларга кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини ич-ичидан ҳис этадилар. Эҳтимолки, мана шу ҳис уларга илҳом берар...

*— Ўзбекитон Ёшлар Иттифоқи Уставида қайд этилганидек, «барча даражадаги қўмиталар... бевосита тижорат фаолияти билан шуғулланишлари... мумкин». Лекин, маълумки, тижорат ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Ёшлар Иттифоқи қўмиталари қошида тузилган ёки бўлмаса, «ўтирган гиламиʼнинг бир чеккаси қўмиталарга тегишли бўлган тижорат корхоналарининг улуши Ёшлар Иттифоқи тушумларининг неча фоизини ташкил қилади. Бу улуш салмоғининг ўтган йилнинг шу даврига бўлган нисбати қандай?*

— Дарҳақиқат, ёшлар қўмиталари қошида тузилган хўжалик ҳисобидаги корхоналар фойдасидан ҳам ажратмалар тушиб туради. Ўтган йили у 484 минг сўмни ташкил этди. 1993 йил билан солиштириладиган бўлса, бу ўсиш икки мартага ошганлигидан далолат беради. Лекин бу ҳол бизни асло қониқтирмайди. Имкониятларимиз кўп. Ниятимиз умумий даромаднинг бу қисмини ҳам ривожлантириш. Бу йўналишда амалий тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Яқинда Марказий Қўмита қошида хорижий фирмалар билан биргаликда иккита қўшма корхона очилди. Улар ҳозирданоқ ўз фаолиятларини бошлаб юборишди.

*— Агар пул ҳаракатда бўлмаганда эди, биз унинг бор-йўқлигини ҳам сезмасдик. Ёшлар Иттифоқига тегишли маблағларнинг ҳаракатланиши қандай? Улар қандай мақсадларга ва қай йўсинда сарфланади?*

— Улар хилма-хил. Лекин йўналиш ўша-ўша — ёшларни тарбиялаш. Ўтган йил давомида Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи ташкилотлари бир қанча тадбирлар ўтказди. Ушбу тадбирларга жами 1 миллион 328,5 минг сўм сарф қилинди. Шундан маданий-оммавий, ҳарбий ватанпарварлик ва спорт ишлари ҳамда ишлаб чиқаришдаги илғор ёшларни моддий рағбатлантириш учун 1 миллион сўмдан зиёд, пленум, чақириқ, кенгашлар учун 140 минг сўм атрофида ва Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг қурултойини тайёрлаш ва ўтказиш учун 173 минг сўм пул маблағи сарфланди. Шу ўринда бир фикрни таъкидлашни истардим. Бу йўлда қилинган харажатлар бугун бўлмаса эртага ўз самарасини беради, бугун сарф қилинган бир сўм эртага юз сўмларни, минг сўмларни олиб келиши шубҳасиз. Маънавий бойликни ҳеч қандай мезон билан ўлчаб бўлмайди.

*— Ёшлар Иттифоқи катта мулкка, ҳозирги замон тили билан айтганда, ҳавас қилгулик кўчмас мулкка эга. Улар бугун Ёшлар Иттифоқига қандай хизмат қилмоқда, улардан келаётган фойда — тушумлар сизни қониқтирадими?*

— Яхши фикр. Илгарилари бу масалага панжа орасидан қараларди. Замоннинг ўзи шундай эди-да. Аммо ҳозир... Иккита мисол келтираман. Жорий йил учун Марказий Қўмита бюджетининг даромад қисми жами 1 миллион 312,4 минг сўм бўлгани ҳолда, шундан бинолардан фойдаланиш дирекцияси фойдасидан ажратма — 520 минг сўм, «Камалак» нашриёти фойдасидан ажратма 350 минг сўм қилиб белгиланган. Аммо шуни мамнуният билан айтишим мумкинки, оқилона иш юритилгани натижасида «Камалак» нашриётидан ҳозирнинг ўзида 500 минг сўмдан кўпроқ маблағ келиб тушди.

Кўриниб турибдики, ҳаракат қилинса, омилкорлик билан иш юритилса, натижа ҳам шунга яраша бўлади.

*— Имкони бўлганда муайян фоизлар эвазига қарз бериш, зарурат туғилганда худди шундай шарт билан қарз олиш бозор муносабатларида оддий бир ҳолдир. Сир эмаски, Ёшлар Иттифоқи ҳам ўтиш даври билан боғлиқ барча синоатларни бошдан кечираётир. Яқин орада, юқорида айтилганидек, қарз олиш ёки қарз беришга тўғри келдими?*

— Жамоат ташкилоти сифатида амалдаги қонунларга асосан тижорат — давлат банк идораларидан кредит олишга ҳақли эмасмиз. Шу билан бирга, бошқа ташкилотларга тижорат мақсадлари учун қарз беришга ҳам ҳаққимиз йўқ. Лекин бу қоида бизнинг қошимизда ташкил этилган хўжалик ҳисобидаги корхоналар учун тааллуқли эмас.

*— Иттифоқ аъзолари, маълумки, иш ҳақларининг 1 фоизини аъзолик бадали сифатида Ёшлар Иттифоқига ўтказадилар. Аммо, афсуски, бирор жойда ишламай, турли йўллар билан тирикчилик ўтказиб юрган ёшлар ҳам талайгина, ўз-ўзидан тушунарлики, улар аъзолик бадали ҳам тўламайдилар. Бинобарин, Ёшлар Иттифоқи уларни ишга жойлаштиришдан ҳар томонлама манфаатдордир. Бу борада қандай ишлар амалга оширилаётир?*

— Ҳозирча бу масалада мақтана олмаймиз. Бунинг сабаблари кўп. Биринчидан,ишга жойлашишнинг бозор муносабатларига хос йўл-йўриқлари билан ҳамма ҳам таниш эмас. Қолаверса, бу аста-секин изга тушадиган қийин, кўпроқ руҳий тайёргарликни талаб қиладиган жараён. Аммо биз қараб турганимиз йўқ. Жойларда Ёшлар Иттифоқи қўмиталари бу борада Марказий Қўмитадан олган фармойишлар бўйича қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар, ишга жойлаштириш бўйича маҳаллий бюролар билан бақамти бўлиб ишламоқдалар. Иншоолло, бу йўналишда ҳам тез орада ижобий ўзгаришлар бўлади, деган умиддамиз.

*— Ёшлар Иттифоқи яқин йиллар ичида ҳар жиҳатдан, шу жумладан молиявий жиҳатдан ҳам ўзини тўла тиклаб олишига, ёшларнинг энг илғор етакчиси сифатида янада катта обрў-эътиборга эга бўлишига ишонасизми?*

— Нафақат мен, барчамиз кўтаринки кайфиятда ишлаяпмиз. Ишонмасак, ишламас эдик. Бугунги қийинчиликларни ташкилотимизда ишлаётган йигит-қизлар ўткинчи бир давр деб, бизга аталганнинг қаймоғи ҳали бузилмаган, деб умид билан меҳнат қилмоқдалар. Аксинча ўйлаганларида эди «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!» деган шиорни бекорга юракларга тугиб юрмас эдилар.

Суҳбатдош:
Зайниддин РИХСИЕВ.

*Ғалла мустақиллиги йўлида*

# ДАСТУРХОНИМИЗ ЯНАДА ТЎКИН БЎЛАДИ



Дунёга ўз кўзимиз билан боқмоқдамиз. Заминга бўлган муносабат ўзгарди. Бугунги кунда буларнинг барига мустақиллик туфайли эришиб турганимизни етти ёшдан етмиш ёшгача ҳамма яхши билади. Муваффақиятлар олдинда. Қилинган ишлар эса ютуқлардан дебоча.

Ўтган йили республикамизда 2 миллион 170 минг тонна ғалла, маккажўхори дони ва шоли етиштирилди. Бу аввалги йиллардаги ҳосилга нисбатан анча кўп демакдир. Бироқ, мутахассисларнинг фикрича 1994 йилги натижа бундан ҳам яхшироқ бўлиши мумкин эди. Жойларда ғалла ҳосилдорлиги режалаштирилган даражага етмади. Бунинг туб сабаби бугунги кунда ҳосилни вақтида озиқлантириш ва суғориш юмушларининг бажарилмаганида дейилмоқда. Қолаверса, хўжаликларда лалми ва суғориладиган ерларга дон навларини танлаб экиш яхши йўлга қўйилмаганидир.

Президентимизнинг фармонига мувофиқ бу йил хўжаликларнинг давлатга дон сотиш буюртмаси 50 фоиз миқдорида белгиланган. Қолган ҳосилни эса ўзлари хоҳлаган шартнома асосида сотишлари мумкин. Бу шубҳасиз, меҳнатга, заминга бўлган муносабатни яхшилайди. Хўжаликларнинг бойишига қонуний йўл очилади. Демак, халқнинг ҳамёни бут, дастурхони янада тўкин-сочин бўлади.

Ҳозирги кунда республикада истеъмол қилинаётган ғалланинг тенг ярмини ўзимизда етиштирмоқдамиз. Қолгани эса четдан келтирилаяпти. Мамлакатимизда бу йил 3 миллион 300 минг тонна дон етиштириш мўлжалланмоқда. Имкониятлар етарли. Шарт-шароитлар мавжуд. Фақат бундан оқилона фойдаланилса бас. Кўпгина туманларда анчагина пахта майдонлари қисқартирилиб ғаллазорларга айлантирилиши ҳам шундан. Ғалла ҳосилини 15-20 кун ичида ўриб-йиғиб олиб, ўрнида турли озиқа экинлари етиштирса бўлади. Бу ўз ўзидан равшанки, нафақат ғалла мустақиллигига, балки юртнинг янада бойишига олиб келади. Бунинг учун эса деҳқон ўз ерига меҳр қўйиши, қолаверса, ишнинг кўзини билиши керак.

Бундан бир ой муқаддам замин қор тагида эди. Баҳор келди. Аёзли кунлар ортда қолди. Қуёш ўз заррин нурларини сочмоқда. Ризқ-насибамиз бўлмиш ғаллазорлар бугун яшилликка бурканган. Денгиздай чайқалади. Бу дастурхонимиз бут, кўнглимиз тўқ бўлишидан нишона. Зеро, тўқ элнинг келажаги буюк бўлади, фарзандлари эса бахтли...

Тўлқин РЎЗИЕВ,
«Туркистон» мухбири.

*Шахсий фикр*

# ЎЗАНИНИ ТОПАЁТГАН ДАРЁ

Халқимиз юксак қадриятлари туфайли дунёда ўз ўрнига эга. Бу кўп марта эътироф ҳам этилган. Аждодларимизнинг ақлу заковати билан юзага келган дунёвий илмлар шахснинг камол топишида етакчи омил бўлганлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Бунга мисоллар кўп. Ҳаётий кузатишлардан шу нарса маълум бўлаяптики, одамларимиз онгида миллий қадрият тушунчасини мужассамлаштирмай туриб, комил инсон тўғрисида гапириш мушкул экан. Зеро, ўтмишни билмай туриб,келажакка назар ташлаш, қоронғуда игна қидиришдай гап.

Йиллар давомида халқ жуда кўп удум, урф-одатларидан йироқлашди. Ҳатто, уни унутиш даражасига етди. Шукрлар бўлсинки, «емирилган» обидаларни қайта тиклаш учун бугунги кунда имкониятлар яратилди. Катта-катта ишлар бошланган. Одамларимиз ўртасидаги қадр-қиммат, меҳру оқибат жонлангандай. Бу турли-туман халқ удулари, сайилларида ўз аксини топаётир. Булар ҳатто фольклор этнографик ансамблларининг репертуарларида ҳам намоён бўлмоқда. Айниқса, республикамизда Наврўз тантаналари давом этаётган кунларда халқ қўшиқларининг ижро этилаётгани ҳам қувончли. Аслида ушбу қадриятлар халқники, халқимиз томонидан яратилган ва ижро этилмоқда. Уларнинг илдизлари қадим-қадимга бориб тақалади. Йиллар давомида авлоддан-авлодга мерос бўлиб келаяпти. Шуниси қувонарлики, қадриятларимиз ўз ўзанини ва асл оқимини қайтадан топаяпти. Бизнинг халқимиз каби ўз айтимлари, лапарлари, ўйинларига бой халқ ижоди жаҳонда камдан-кам учрайди. Улар ҳали ўрганилиб, тўпланмай ётибди. Кейинги пайтларда кўплаб умидли ёшларимиз етишиб чиқаяпти. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан қадриятларимиз қандай бўлса шундайлигича халққа етказиб берилаяпти. Ҳали бу соҳа ходимларининг халқимиз олдида қарзлари кўп.

Маълумки, урф-одатларимиз бевосита таълим-тарбия билан боғлиқдир. Ўзбек халқ сайилларини олинг: Лола сайли, қовун сайли, анор сайли ва бошқалар. Ҳар бир сайл халқни бир жойга жамлайди, улар ўртасидаги меҳр ипларини боғлаб, маънавий қувват манбасига айланади. Удумларимизни ўрганиш, уларни ҳаётга тадбиқ этиш элимизга маънавий озуқа бериш демакдир. Ҳар бир миллий маданиятнинг асосий манбаи— халқ ижоди десак янглишмаган бўламиз. Халқ ижодини билмасдан туриб, шу миллат тарихини билиш мумкин эмас.

Шу ўринда яна бир гап. Миллий қадриятларимизни янада кенгроқ ёйиш керак. Бўлмаса бу соҳада бурилиш ясаш мушкул иш. Аждодларимиздан мерос бўлиб келган урф-одатларимиз ва анъаналаримизни ўзбекона талаффуз ила тўлалигича ёшларимиз руҳига сингдиришимиз лозим.

Фахрлансак арзигулик, аждодларимизнинг фазилатлари бизга тарихдан аён. Уларнинг минглаб ўгитлари шу кунларда ўрганилиб келинаяпти. Ҳадислар, диний урф-одатларимиз, умуминсоний қадриятларимиз-шулар жумласидандир. Уларни ҳаминқадар эмас, чуқурроқ ўрганишимиз фойдадан ҳоли эмас. Шундагина кўзлаган мақсадимизга эришган бўламиз.

Норбек УСАНОВ.

*Газетхон ёрдам сўрайди*

# ҲАҚ СЎЗГА ХАРИДОР ТОПИЛМАС

Ҳурматли таҳририят. Сизларга ушбу мактубни кўнгли хаста, бир аёл ёзяпти. Сизлардан илтимос, ёзганларимни газетада эълон қилсангизлар. Токи менинг кечмишим дугоналарим ва сингилларимга сабоқ бўлсин.

Мен 1993 йил август ойида Зомин тумани Пшагар қишлоғида яшовчи Ёқубжон исмли йигитга турмушга чиқдим. Бахтли яшадик. Бу оила ўзига анча тўқ эди. 1994 йил май ойида қизли бўлдим. Турмуш ўртоғим мени ҳақоратлаб отамникига олиб келиб ташлади. Чиллам чиққандан сўнг ўз отам, ярашинглар, деб қайнотамникига олиб бориб қўйди. Лекин мен у ерда кун кўрмадим. Деярли ҳар куни уруш-жанжал. Эмишки мен Ёқубжоннинг тенги эмас эканман.

Уруш-жанжаллар жонимдан ўтиб кетгач, Ҳамзаобод қишлоқ кенгашига ажрашиш учун бордим. У ердагилар ҳам ярашинглар «оила бузулмасин» деди. Бунга ҳам кўндим. Лекин яна ҳақоратлар эшитишдан бошим чиқмади.

Ўтган йилнинг 24 декабрь куни ҳеч эсимдан чиқмайдиган бўлди. Ўша куни кечқурун эрим мени бошимга не кунни солмади. Натижада касалхонада даволаниб чиқдим. Менинг аҳволимни кўриб бечора онаизорим зор-зор йиғлайди.

Мени азобга қўйганларни жиноий жавобгарликка тортиш учун Зарбдор тумани ИИБга ва прокурорга ёзган отамнинг ва менинг аризаларим эътиборсиз қолди. Ҳеч қандай натижа бўлмади. Шундан сўнг вилоят прокурорига ариза бердим. Ва йиғилган кўрсатмаларни ўқиб чиқиб, арзимни кимга айтишни, кимдан кўмак сўрашни билмай қолдим. Кўпчилик «оиланг билан яраш» дейди. Мен эса...

Азиз дугоналар, сингиллар ҳеч қачон мол-дунёга, шахсий бойликка учмангизлар. Бахт бойликда эмас экан.

М.МАМАТҚУЛОВА

*Орамиздаги одамлар*

# ЕНГИЛМАС

- Иродали йигит.
- Ҳаёт курашлардан иборат.
- Қанот жуфт бўлади.

Қуёш оламга баробар нур сочгани билан табиат бағрида гул ҳам ўсади, тикан ҳам. Дунёнинг ишлари қизиқ, ҳамма баробар, тенг эмас. Оламда яхшилар, диёнатли инсонлар кўп. Шу боис ҳам юртимиз обод, замонамиз файзли.

Ирода — инсон зийнати. Вали Ғафуров, Алексей Мересьевлар иродаси ҳақида ўқиганмиз, эшитганмиз. Ҳаётда атрофимизда улар каби замондошларимиз ҳам учраб туради.

...Фахриддин ёшлигидан ҳуқуқшунос бўлиш орзуси билан яшади. Акаси Шарофиддинга ҳавас қилар, унинг касбига ихлос қўйиб юрарди. Шарофиддин Сирдарё вилоят прокуратураси терговбўлимида ишларди. Фахриддин Сирдарё туманидаги Ҳамид Олимжон номли 7-ўрта мактабни олтин медаль билан тугаллаб, туман халқ судида суд мажлислари котиби бўлиб ишлай бошлади. Унинг хати чиройли, хотираси кучли бўлганидан бу вазифада қийналмай фаолият кўрсатди. Лекин, ўқиш, ўрганиш лозимлигини Фахриддин сезди, ҳис қилди. Шу боис 1980 йилда у Тошкент давлат дорилфунунининг ҳуқуқшунослик куллиёти кундузги бўлимига ўқишга кирди.

Ўшанда Фахриддин Раҳимов 4-босқич талабаси эди. Унинг бир кўзи оғриб қолди, ўқишга жиддий киришиб кетиб кўзини шамоллатиб қўйганди. Аввалига у Тошкен давлат тиббиёт институти профессори Татьяна Ильина раҳбарлигида кўз касалликлари мутахассисларида даволана бошлади. Лекин, нафи сезилмади. Кейин уни Москвага олиб боришди. Москвадаги кўз касалликлари илмий-текшириш институти клиникасида Фахриддинни икки марта операция қилишди. Операциядан кейин иккинчи кўзи ҳам хиралашиб қолди. Яна операция қилишга мажбур бўлишди. У энди тамоман ёруғ дунёни кўриш бахтидан бенасиб эди!

Фахриддин аввалига оғир хўрсинди, ҳаётнинг унга энди қизиғи йўқдек, ҳеч кимга керак эмасдек ҳис қилди ўзини. Шунда қандайдир бир ички нидо эшитилгандай бўлди гўё, ўзини қўлга олди, иродаси жўшди, ўзича ҳаёт учун курашиш лозимлигини англади. Ва бу энг тўғри йўл эканлигига иймон келтирди.

Қийинчилик дамлари ортда қолди. У дорилфунунни имтиёзли диплом билан тугаллаб, илк орзусига эришди. Фахриддинга ўша пайтдаги Сирдарё вилояти ижроия қўмитаси ҳуқуқий бўлимига йўлланма беришди. 1987 йил августда эса Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти Сирдарё шаҳар ишлаб чиқариш корхонасига ишга келди. У корхона ҳуқуқий маслаҳатчиси бўлиб фаолият кўрсата бошлади. Шунга ҳам беш-олти йил бўлиб қолди. Ўтган муддат мобайнида у ўзини кўрсатди, билими, маҳорати, касбини яхши билиши, зукколиги жамоага ёқиб қолди.

— Сизнинг асосий ишингиз нималардан иборат? — сўраймиз Ф. Раҳимовдан.

— Корхонамиз маъмурияти ҳуқуқий актларининг қонунчиликка мувофиқлигини бошқа ташкилотлар ва жамоамиз ўртасидаги ўзаро шартномаларнинг бажарилишини назорат қилиш, ишчи-хизматчиларга ҳуқуқий маслаҳатлар, йўл-йўриқлар бериш асосий вазифам ҳисобланади, — дейди Фахриддин.

Фахриддин корхонага келиб ҳақиқий бахтини топди. Жамоа аъзолари Фахриддин ва Дилфузанинг висол кечасини нишонлашди. Дилфуза тақдири ҳам Фахриддин тақдирига ўхшаб кетади. У тумандаги Жуман Маманов номли жамоа хўжалигидаги 24-ўрта мактабда ўқиб юрган дамлари кўзи касалланиб, машғулотларни давом эттира олмайди. Дилфуза Тошкентдаги кўзи ожизлар махсус мактаб-интернатида таҳсил олди, брайлча ёзувни ўрганди. 1988 йили мазкур корхонага, тўқув цехига ишга келди. Ҳозирда цехнинг илғор ишчиларидан.

Фахриддин ва Дилфузалар корхонанинг барча қулайликларига эга бўлган муъжазгина уйида истиқомат қилади. Радио уларнинг энг яқин маслаҳатдоши, эрмаги. Хонада магнитафон, холодильник бор. Айтганча, корхона кутубхонасида «гапирувчи китоблар» мавжуд.Магнит тасмаларига турли бадиий асарлар, спектакллар, куй-қўшиқлар ёзилган. Кутубхоначига қайси «гапирувчи китоб»ни топиб беришни сўрашса, бажонидил кўмаклашади.

— Фахриддин ва Дилфуза ёш бўлишига қарамай жамоамиз фахри— дейди корхона бошлиғи Валижон Ҳалимов. — Қанийди, ҳамма ҳам ҳаётда улар каби оқибатли, меҳрли, иродали бўлса...

Валижон Обидович тўғри гапни айтди. Ҳаёт — бу текис, равон йўл эмас. Ҳаёт кураш, интилиш, изланишдан иборат. Зеро, интилганга толе ёр, деб бежизга айтишмайди. Корхонадан қайтарканман Фахриддиннинг ҳаётида яна бир қувончли воқеа содир бўлганлигига гувоҳ бўлдим. Ф. Раҳимов корхона директори муовини этиб тайинланганлиги маълум бўлди.

Ҳаётда сенга омад ва бахт кулиб боқаверсин, иродали йигит Фахриддин!

Абдураззоқ БУРЛИЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

# «ЭЛТЕКС» : КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

*Истиқлол қалдирғочлари*

Корхона фаолиятининг 1994 йилдаги 40 куни мобайнида бажарилган ишларга эътибор қилинг: тўқимачилик мажмуининг пахтанинг дастлабки қайта ишлаш шоҳобчаси 2629 тонна хомашё қабул қилиб, 1836 тоннасига илк ишлов берди ҳамда 673 тонна пахта толаси олди. Шунинг учун 351 тоннасидан корхонада ип йигириб олинди. Ишлаб чиқарилган 300 тонна ипнинг 175,4 тоннаси сармоядор фирма — «Язекс» корпорациясига сотилди. Бундаги молиявий ҳисоб-китоб 364.773 Америка доллари ёки мустақил мамлакатимиз валютасида 9.119.336 сўмни ташкил этди.

Айни пайтда 71,5 тонна ипдан 34 минг погон-метрдан кўпроқ жинси матоси тўқилди. 1994 йилда 11 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 10 миллион сўмлиги сотилди.

«Элтекс» илк ҳимматини ўзи жойлашган Элликқалъа тумани ўқувчиларига кўрсатди. 8 минг донадан ортиқ мактаб либоси тикилиб, ўқувчиларга бепул тарқатилди. Бу кўрсаткич туман мактабларидаги барча ўқувчилар сони — 26.348 донага етказилади. Бошқачасига айтганда, чўлқуварлар фарзандларига 3 миллион 600 минг сўмлик кийим тарқатилади. «Элтекс» дастлабки қадамларини қўймоқда. Мазкур қадамлар кўп маънода хайрли бўлаётир. Масалан, қўшма корхона ўз ҳиссадорлари бўлган хўжаликларга мол айирбошлаш асосида унлаб техника воситалари олиб берди.

(Охири. Боши ўтган сонларда)

Ҳа, қўшма корхона ҳам, унинг бош раҳбари ҳам илк ютуқларни қўлга киритаётир. Аммо тўқимачилик мажмуининг олдида кўплаб муаммолар турибди. Уларни ҳал этиш учун калаванинг мингдан бир учини топиб ишламоқ лозим. Бу борада корхонанинг тажрибали кадрлари ташаббус кўрсатишлари керак.

## VI. «ТОШКЕНТДАН БЎСТОНГА ЧОРЛАШДИ МЕНИ...»

Султонбой Уриновнинг киндик қони Элликқалъа туманидаги Тозаамиробод қишлоғига тўкилган. У ана шу овулда туғилиб ўсди. Вақт етиб улғайгач, Тошкент Тўқимачилик ва Енгил саноат олийгоҳида ўқиди.

— Тўқимачилик муҳандиси ихтисосининг нима кераги бор сенга? — дейишди баъзи ҳамқишлоқлари. — Сен қарилик нафақасига чиққанингдан 40 йил кейин ҳам бизнинг элда ундай фабрика қурилмайди. Хомтама бўлмай қўяқол!

Султонбой бу гапларга мийиғида кулиб қўяверди. Олийгоҳда ўқиди, Тошкент тўқимачилик комбинатида иш бошлади. Оддий лавозимлардан бошлаб бош муҳандисликкача бўлган масъулиятли йўлни босиб ўтди.

Ҳамқишлоқларининг «башорати» нотўғри экан. У катта тўқимачилик даргоҳида 20 йилдан ортиқ ишлаб, мазкур соҳа ҳадисини олган кезларида уни Тошкентдан Бўстонга чорлашди.

— Ғарбий Европанинг энг замонавий ускуналари билан жиҳозланган «Элтекс»га таклиф қилишганида бошим кўкка етди, — дейди Султонбой ака. — Бундай корхонада ишлаш мендай мутахассислар учун орзу эди, холос. Компьютерлаштирилган иш жараёни ишчи учун ҳам, корхона учун ҳам катта қулайликдир!

Одатда бирор корхонанинг узлуксиз, технологик жиҳатдан тўлиқ ишлаши унинг барча шоҳобчаларига боғлиқ бўлади. Ҳақиқатан ҳам тўқимачилик мажмуининг ҳар бир шоҳобчаси ўз аҳамиятига эга. Улардан бирортаси тўхтаса умумий ишга путур етади.

Аммо тикувчилик шоҳобчасининг масъулияти алоҳидадир. Чунки хомашёни қайта ишлаш цехи яхши тола, қолган шоҳобчалар сифатли мато бериши мумкину тикувчилик цехидаги кичкина ўқувсизлик жаҳон бозорида 10-15 доллар турадиган матони бузиб қўйиши мумкин.

Шу боис С. Уринов ўзи раҳбар бўлинмада фақат малакали, ўз ишини пухта билган ишчиларнинг меҳнат қилишини хоҳлайди. У асосан шунга эришмоқда ҳам.

Тўқимачилик мажмуида бундай илғорлар кўп. Биргина тўқувчи Гулчеҳра Жалимбетова билан гаплашсангиз, бу касбнинг сир-асрорларини тўла айтиб беради. У Москвадаги тўқимачилик корхоналаридан бирида ушбу оммавий-касбни ўрганиб қайтган. Кейинчалик «Катекс» тўқимачилик мажмуида ишлаган. Мана, энди «Элтекс»да пешқадам ишчиларнинг бири сифатида ғайрат кўрсатмоқда. О. Ваисова, Г. Янгибоева каби илғорлар ҳақида ҳам шу таърифларни такрорласа бўлади.

«Элтекс» ўзининг моҳир ташкилотчиларига эга. С. Уринов ҳақидаги фикрларимиз бунинг далилидир. Олимбой Машарипов, Мадиёр Матжоновлар ҳам ўз бўлинмаларига сидқидилдан етакчилик қилмоқдалар.

«Элтекс»да асосан ёшлар ишлашади. Бунга унинг қишлоқдаги бир шоҳобчаси мисолида ҳам ишонч ҳосил қилса бўлади...

## VII. САРАБИЙДА ШУНДАЙ ШОҲОБЧА БОРКИ...

Сарабий Аму соҳилида жойлашган, катта тарихга эга қишлоқ. Азалдан у ерда аҳоли зич яшайди. Шу туфайли ҳам XIX асрнинг охирларида бу ерда рус саноатчилари бир неча пахта заводлари, бошқа корхоналар қурган эди.

Кейинги йилларда қишлоқ аҳолиси ҳам, ишсизлик ҳам икки баробар ортди. Айниқса, ёшлар ўртасида ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлмаганлар кўпайди. Бу ҳол биринчи навбатда Ёшлар Иттифоқи фаолларини ташвишга солди. Шавкат Ниёзимбетов «Сарабий» жамоа хўжалиги ёшлар ташкилоти котиби, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи туман қўмитаси бюроси аъзоси эди. У ўзига ҳамқишлоқ ёшларни иш билан таъминлашга баҳоли қудрат ҳисса қўшиш мақсадида овулда «Элтекс»нинг шоҳобчасини очиш ташаббуси билан чиқди. Ташаббусни юқори ташкилотлар қўллаб-қувватлашди.

Энди шоҳобча учун бино керак эди. Жамоа хўжалигининг аввалги, лекин ҳали анча дуруст биносини ажратиб беришди. Клуб биноси қайта таъмирланиб, у ерга 14 та тикув машинаси ўрнатилди. Қишлоқдаги ишсиз аёллар шоҳобчага қабул қилинди. Иккинчидан, шоҳобча «Элтекс»нинг тикувчилик цехига ҳар 3 ойда 30 тикувчи қиз тайёрлаб бериш масъулиятини ўз зиммасига олди.

Шоҳобча қисқа муддатда катта миқдорда кийим-кечак, бошқа зарур либослар тикиб берди. Ҳозирги кунда у ерда 10 хил маҳсулот тайёрланмоқда.

Шоҳобча пешқадамларидан Салима Тўраева, Дурхоним Отаниёзова, Ёқутхон Дўсимова, Онабиби Шарипова, Саида Бектурдиева, Шакаржон Саъдуллаевалар кунлик, ойлик топшириқларини ошириб бажаришмоқдалар.

— Биз икки мақсад йўлида ишлаяпмиз, — дейди Ш. Ниёзимбетов. — Биринчидан, кўп ва сифатли маҳсулот чиқармоқчимиз. Иккинчидан, шу маҳсулотни чиқарган ишчиларимиз муносиб миқдорда маош олсин, моддий манфаатдор бўлсин!

Шавкатнинг гапларида ёшлар етакчисига хос ишонч, ғурур, ғайрат балқиб турибди. «Элтекс»да бундай ёшлар кўп!

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Туркистон» мухбири.

